

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

KOMPLAYENS VA KORRUPSIYAGA QARSHI

ICHKI NAZORAT BOSHQARMASI

DAVLAT XARIDLARI SOHASIDA
KORRUPSIYANING OLDINI OLISHGA DOIR

QO'LLANMA

Давлат харидлари соҳасида қонунчилик ижросини назорат қилувчилар учун услубий қўлланма

TOSHKENT - 2026

МУНДАРИЖА

- 01 АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР
- 02 ДАВЛАТ ХАРИДИГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ПРИНЦИПЛАР
- 03 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БОСҚИЧЛАРИ
- 04 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИДАГИ ЧЕКЛОВЛАР (“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддаси)
- 05 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИНГ МАЗМУНИ
- 06 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.
- 07 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР ВА АЙРИМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА МИСОЛЛАР.
- 08 Давлат харидларини назорат қилиш учун Давлат харидлари устидан назоратни амалга оширишда қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланиш тавсия этилади:
- 09 Давлат харидлари соҳасида назорат ўтказиш босқичлари.
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилиги



01

Б О Ў Л И М

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:



Давлат харидлари устидан назоратни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма (*кейинги ўринларда - Услубий қўлланма*) вазирликда “Комплаенс-назорат” тузилмаларини услубий жихатдан таъминлаш учун мўлжалланган.

Услубий қўлланманинг мақсади вазирликнинг “Комплаенс-назорат” тузилмалари томонидан давлат харидлари устидан назоратни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган бажариш учун тавсия этиладиган методларни (*усулларни*), тартиб-таомилларни белгилашдан иборат.

Зарур ҳолларда “Комплаенс-назорат” тузилмалари томонидан назорат тадбирларини ўтказишга вазирнинг буйруғи асосида аудиторлик, режавий молия, бухгалтерия ва бошқа хизматларнинг мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.


Услубий қўлланмада қуйидагилар белгиланган:

- давлат харидлари устидан назорат қилиш тушунчалари, вазифалари, предмети ва объектлари;
- давлат харидлари устидан назоратни амалга ошириш учун ахборотнинг асосий манбалари;
- давлат харидларини назорат қилиш мазмуни, босқичлари ва йўналишлари;
- харидлар учун режалаштирилаётган харажатлар зарурлигини асослашда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда харидлар самарадорлигини комплекс баҳолашнинг мазмуни ва тартиби;
- давлат харидлари устидан назорат қилиш натижаларидан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш тартиби.
- Услубий қўлланмада қўлланилган асосий тушунчалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган тушунчаларга мос келади.

02

BO' LIM

ДАВЛАТ ХАРИДИГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ПРИНЦИПЛАР



◆ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:

- давлат харидлари - давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни;
- давлат буюртмачиси - давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс (бюджет буюртмачилар, корпоратив буюртмачилар);
- манфаатлар тўқнашуви - бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир, шунингдек, аффилланганликнинг мавжуд бўлиши;
- аффилланган шахс - қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шунингдек, харид қилиш тартиб-таомиллари иш тирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

электрон давлат харидлари тизимининг оператори – ваколатли орган томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга асосан давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган юридик шахсдир. Электрон савдо майдончалари: xand.uzex.uz, xt-xarid.uz, new.cooperation.uz.tender, new.cooperation.uz.tender.mc.uz

ҚЎЛЛАНМАДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

- БҲМ - базавий ҳисоблаш миқдори;
- МЖТК - Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК - Жиноят кодекси;

ФК - Фуқаролик кодекси **ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Коррупцияга йўл қўймаслик

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади. Давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши керак.

Касбий маҳорат ва масъулиятлилик

Касбий маҳоратга эга бўлиш мақсадида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахсининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш давлат

харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан ўқитишни ташкил этиш орқали таъминланади.

Асосланганлик

Давлат буюртмачисининг ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятлари (тавсифи), сифат кўрсаткичларининг ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги

Давлат харидлари харажатларни ҳисобга олиш ва ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Товарлар, ишлар ва хизматлар сифати ҳамда қиймати ўртасида мақбул мутаносибликка эришиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, харидлар оқилона ва тежамкор усулда, мақбул муддатларда амалга оширилиши керак.

Очиқлик ва шаффофлик

Тегишли давлат органларига, давлат харидларининг субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имконияти таъминланган ҳолда уни махсус ахборот порталига жойлаштирилади ва ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлаш таъминланади.

Рақобат ва холислик

Давлат харидларидаги рақобат тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда холис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига яқуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

Холислик эса таклифларни кўриб чиқишдаги, шунингдек энг мақбул вариант фойдасига яқуний қарор қабул қилишдаги беғаразликни назарда тутди.

Мутаносиблик

Давлат харидларида мутаносибликни таъминлаш учун харид усули товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавф-хатари, қиймати ва мураккаблигига мос бўлиши керак. Шунингдек, харид иштирокчиларининг малакаси, баҳолаш мезонлари ва усуллари товарлар (ишлар, хизматлар) хусусиятларига мувофиқ келиши шарт. Давлат харидлари субъектларининг ҳқуққлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги уларнинг вазифаларига мос равишда белгиланиши талаб этилади.

Барқарорлик

Давлат харидларида барқарорлик қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли иқтисодий, экологик ҳамда ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда давлат харидларини амалга оширишга асосланади.

Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги

Давлат харидлари мақсадлар, принциплар ва ёндашувларнинг ягоналигига, давлат харидлари жараёни барча босқичларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигига ҳамда давлат харидлари барча субъектларининг ҳамкорлигига асосланади.

03

Б О Ў Л И М

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БОСҚИЧЛАРИ

◆ **Давлат харидлари жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:**

- 1-босқич - давлат харидларини режалаштириш;
- 2-босқич - харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
- 3-босқич - шартномани тузиш ва бажариш;
- 4-босқич давлат харидлари мониторинги.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция ва бошқа давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида “fast-track” усулида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) амалга оширишга йўл қўйилади.

04

Б О Ў Л И М

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

(“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 46-
моддаси)




Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- агар иштирокчининг ва (ёки) ушбу иштирокчи ваколатли вакилининг яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қорор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек, давлат буюртмачисининг ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотнинг вакили бўлса, иштирокчининг давлат харидларида иштирок этишига;
- иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақим этишга, бундан ушбу Конун 16-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- манфаатлар тўқнашувига;
- давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли бўлмаган усулларини қонунга ҳилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф эгишнинг бошқа шакллариغا;
- давлат харидлари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган қонунга ҳилоф талабларни киритишга;
- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;
- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этишга ёки тарқатишга, шунингдек, давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;
- давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга;
- иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда бажаришни рад этишига;
- давлат хариди таркибига технологик ва функционал жихатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишга;
- фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;
- молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга оширишга.

05

BO' LIM

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИНГ МАЗМУНИ



Вазирлик тизимидаги “Комплаенс-назорат” тузилмалари томонидан амалга ошириладиган **давлат харидларини назорат қилиш ички назоратнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади** харидларни режалаштиришнинг асосланганлиги, харидларнинг амалга оширилиши ва самарадорлигини баҳолаш, харидлар натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, харидларни амалга ошириш мақсадларига эришиш, шунингдек, **давлат харидлари соҳасида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавфларнинг олдини олишдан иборат.**

Давлат харидларини назорат қилиш якунлари вазирлик ва унга қарашли ташкилотларнинг эҳтиёжларини таъминлаш жараёнида коррупциявий хатарлар даражасини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим. Бу баҳолаш молиявий маблағлар сарфи, харидларни режалаштиришнинг асослилиги, жумладан харид нархининг асослилиги, шунингдек, ушбу харидларни амалга оширишнинг реаллиги ва самарадорлиги каби омилларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда шартнома муддатлари, ҳажми, нархи, харид қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар сони ва сифати бўйича бажарилиши, шунингдек, нархни шакллантириш тартиби ва шартномаларни бошқариш тизимининг самарадорлиги баҳоланиши лозим.

■ Давлат харидларини назорат қилиш вазифалари:

- тузилиши режалаштирилаётган, тузилган ва бажарилган шартномалар бўйича харид харажатларининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги (шу жумладан, харидларни асослашни режалаштириш жараёни ва харидларга бўлган эҳтиёжнинг асослилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш), ўз вақтида амалга оширилганлиги, самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотларни текшириш, таҳлил этиш ва баҳолаш (бундан бўён харид харажатлари деб юритилади);
- давлат харидлари соҳасидаги оғишлар, қонунбузарликлар ва камчиликларни аниқлаш, уларнинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш ҳамда шартнома тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Давлат харидларини назорат қилиш таҳлил, текшириш ва баҳолаш предмет бўлган шартномаларнинг ҳар бирига нисбатан давлат харидлари соҳасидаги буюртмачининг фаолиятининг:

- товарлар (ишлар хизматлар) харидларини режалаштириш;
- харидларни амалга ошириш, шу жумладан давлат харидларига танлов эълон қилиш босқичида, танлов таклифларини баҳолаш якунланиш босқичида;
- шартномани тузиш ва бажариш босқичларида харидларни дастлабки назорат қилиш каби босқичларини қамраб олиши керак.
- Давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш жараёни давлат харидлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

Давлат харидлари устидан назоратни амалга ошириш жараёнида вазирликнинг “комплаенс-назорат” тузилмаси ваколати доирасида **қуйидагилар текширилади, таҳлил қилинади ва баҳоланади:**

- харидларни режалаштириш босқичидан бошлаб бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишни ташкил этиш жараёни;
- харид қилиш харажатларининг қонунийлиги, ўз вақтида амалга оширилиши, асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги;
- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва натижалар;
- давлат харидлари соҳасида идоравий назорат тизими;
- давлат харидлари соҳасида буюртмачи томонидан амалга ошириладиган назорат тизими.
- Вазирликнинг ўзи, унинг таркибий бўлинмалари ва давлат харидларини амалга оширишга ваколатли барча идоравий мансуб ташкилотлари давлат харидларини назорат қилиш объеклари ҳисобланади.

Назорат тадбирлари доирасида буюртмачиларнинг фаолияти, улар томонидан тузиладиган шартнома хизматлари, харидларни амалга ошириш бўйича комиссиялар, улар томонидан жалб этиладиган ихтисослаштирилган ташкилотлар (*мавжуд бўлса*), экспертлар, эксперт ташкилотлари ва электрон платформалар фаолияти, шунингдек, давлат харидлари соҳасида идоравий назорат тизими, буюртмачи томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари соҳасида назорат тизимининг иши **баҳоланади.**

06

Б О Ў Л И М

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

Жарималар миқдори базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқ бўлиши учун суммаларда кўрсатилган.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК:

- давлат харидлари бўйича эълонлар жойлаштириш тартибини, мажбурий муҳокама ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳамда давлат хариди натижаларини жойлаштириш муддатларини бузганлик учун - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 175-8-моддаси 1-қисми);
- давлат харидлари тўғрисидаги эълонларга ва харид ҳужжатларига қонунчиликда тақиқланган ҳамда рақобатни чекловчи ахборотни, ҳаволалар ва талабларни киритиш, харид ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда буюртмаларни шакллантириш тартибларини бузганлик учун - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 175-8-моддаси 2-қисми);
- тендер ўтказиш йўли билан аниқлаш талабларини бузиш, шунингдек, рақобатли харид усули воситасида аниқлаш белгиланган ҳолларда, давлат харидларини ягона етказиб берувчидан ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилганлик учун - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 175-8-моддаси 3-қисми);
- аффилланганлик ҳақида хабар бермаслик, давлат харидлари бўйича таклифларни қабул қилмаслик ёки таклифларни тақдим этиш муддатларини қонунчилик талабларига зид равишда қисқартириш, таклифлар солинган конвертларни очиш ва харид ҳужжатларига мувофиқ таклифларни баҳолаш талабларини бузганлик учун - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 175-8-моддаси 4-қисми);
- рақобатга қарши келишувлар тузиш ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, товар ёки молия бозоридаги устун мавқеини суистеъмол қилиш, худди шунингдек савдоларга доир рақобатни чеклашга қарши талабларни бузганлик учун - мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 178-моддаси 5-қисми);
- давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида хабар бермаганлик ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаганлик учун – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 193-4-моддаси 5-қисми).

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК:

- ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун - 225 миллион сўмгача жарима, 3 йилгача ахлоқ, тузатиш ишлари ёки 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 167-моддаси);

- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш - 112 миллион сўмгача жарима, 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 3 йилгача ахлоқ, тузатиш ишлари, 2 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 205-моддаси).


ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИК:

- Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу битимни тузиш натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида давлат даромадига ўтказилади. Бундай битимни ижро этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади (ФК 114-моддаси);
- қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган давлат харидлари натижасида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарни регресс тартибида қоплаш (ФКнинг 329-моддаси).

07

Б О Ў Л И М

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР ВА АЙРИМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА МИСОЛЛАР.



◆ Манфаатлар тўқнашуви

(Давлат харидлари жараёнида ғолиб аниқлангунига қадар давлат буюртмачисига иштирокчилар билан музокаралар олиб бориш тақиқланади)

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, давлат буюртмачиси ва келгусида давлат харидларида ғолиб чиқиши керак бўлган тадбиркор олдиндан харид жараёнини келишиб оладилар. Шу тариқа, давлат хариди фақат расмийлик учун электрон шаклда амалга оширилади.

Давлат буюртмачиси (унинг вакили ёки харид комиссияси аъзоси) олдиндан давлат харидларида қатнашишни хоҳлаган тадбиркор билан тил бириктириб, унинг харид жараёнида ғолиб бўлишига ёрдам беради.

Мисол:

Давлат бюджети ташкилоти 1,2 млрд сўмлик иссиқ овқат етказиб бериш (аутсорсинг) хизматларини харид қилиш бўйича танлов ўтказди.

Давлат харидлари порталига буюртмачи, ғолиб ва заҳира ғолибининг ҳужжатлари харид комиссияси (буюртмачи) аъзоларидан бирининг кўрилмаси орқали юкланган.



Ушбу харидларнинг ғолиби олдиндан аниқланган танлов фақат расмийлик учун электрон шаклда ўтказилган.

Бундай ҳолларда шартнома бекор қилинади, айбдор шахслар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-4-моддаси 5-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади (Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаслик).

■ Манфаатлар тўқнашуви

(Давлат фуқаролик хизмати ходими тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслиги ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги шарт.)

Давлат харидлари жараёнида буюртмачи ташкилотнинг мансабдор шахси ўз номига компания очиб, унинг мазкур ташкилот томонидан ўтказилаётган харидларда иштирок этишини таъминлайди.

Бундай ҳолатда манфаатлар тўқнашуви юзага келади, чунки буюртмачи ташкилот ва таъминотчи ташкилотнинг манфаатларини бир шахс ифодалайди. Шунингдек, давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун бузилиши ҳисобланади.

Мисол:

Бюджет ташкилотларидан бири 998,0 млн сўмлик аҳоли яшаш пунктларидан бирини ободонлаштириш ишларини бажариш бўйича энг яхши таклифни танлаб олиш учун танлов ўтказди.



Шу билан бирга, мазкур Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари ўз номига N компаниясини рўйхатдан ўтказиб, унинг мазкур танловда иштирок этиши ва ғолиб бўлишини таъминлайди. Натижада манфаатлар тўқнашуви юзага келди.

Текширув натижаларига кўра, шартнома бекор қилинди ва ушбу бюджет ташкилоти раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

(Изоҳ: бундай ҳолларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-4-моддаси 5-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарлик назарда тутилган).

Рақобатни чеклаш

(Давлат харидлари ўтказишда қонунчиликка зид бўлган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чекловчи талабларни белгилаш тақиқланади)

Давлат харидларини рақобатга зид усулларда ёки танлов ўрнига тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга ошириш коррупция хавфининг ошишига олиб келади.

Қурилиш соҳасида давлат харидлари ўтказишда техник ҳужжатларга рақобатни чекловчи талаблар киритилади, улар муайян ҳўжалик юритувчи субъектнинг ғолиб чиқишини таъминлашга қаратилган бўлади. Жўмладан, қурилиш майдонига маълум масофада жойлашган бўлиш, объектни ташриф буюриб қуриш, муайян миқдорда техникага эга бўлиш каби талаблар белгиланади.

Мисол:

Бюджет ташкилотларидан бири 6,9 млрд сўмлик тиббиёт муассасаси қурилиши бўйича тендер ўтказди.



Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминотчилар учун объект қурилишидан 50 км радиусда цемент заводида эга бўлиш талаби белгиланди.

Ушбу харидлар бўйича ўтказилган текширув натижаларига кўра, шартнома бекор қилинди ва харид комиссияси аъзолари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-8-моддаси 2-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди *(Давлат харидлари эълонлари ва харид ҳужжатларига қонунчилик тақиқлаган ва рақобатни чекловчи маълумотларни киритиш).*

◆ Харидларни бўлиб-тақсимлаш

**(Давлат харидларининг ҳажмини рақобатбардош усуллардан
четлаб ўтиш мақсадида қисмларга бўлишга йўл қўйилмайди).**

Амалиётда тендер савдоларини ўтказмаслик мақсадида давлат харидлари қонунчиликка ҳилоф равишда қисмларга бўлинишига (дробланишига) уринган ҳолатлар учрайди.

Мисол:

N олий таълим муассасаси 345 та компьютер тўпламларини харид қилиш бўйича танлов ўтказди.



Тендер савдоларидан қочиш мақсадида буюртмачи харид жараёнида лотни сунъий равишда 3 қисмга бўлиб, барчасини бир тадбиркордан энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича танлов орқали сотиб олди.

Текширув натижаларига кўра, шартнома бекор қилинди ва таълим муассасаси раҳбари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-8-моддаси 3-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди (тендер орқали аниқлаш талабларини бузиш).

Мисол:

Йўл қурилиши билан шуғулланувчи давлат буюртмачиларидан бири 54 км йўлни таъмирлаш бўйича 4,4 млрд сўмлик давлат харидини энг яхши таклифни танлаб олиш ўсули орқали амалга оширди.



Икки ой давомида харидлар 4 та лотта бўлинган бўлиб, барча 4 та харидда Г тадбиркор ғолиб деб топилди.

Бунда тендер савдолари ва давлат харидлари бўйича экспертиза жараёнидан қочиш мақсадида объект сунъий равишда 4 қисмга бўлинган.

Текширув натижаларига кўра, шартнома бекор қилинди ва харид комиссияси раҳбари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-8-моддаси 3-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди.

Иштирокчилар таклифларини нотўғри баҳолаш.

Давлат харидларини энг яхши таклифни танлаб олиш ёки тендер шаклида ўтказиш жараёнида харид комиссияси асосланмаган равишда бир хил ҳужжатларни тақдим этган иштирокчиларга турли баллларни белгилайди.

Баъзи ҳолатларда эса комиссия ҳеч қандай ҳужжат тақдим этилмаган ҳолатда ҳам балл қўйиб, олдиндан тил бириктирган ҳолда муайян ҳўжалик юритувчи субъектни ғолиб деб эълон қилиш мақсадида ҳаракат қилади.

Мисол:



Давлат буюртмачиларидан бири 620,0 млн сўмлик иссиқ, овқат етказиб бериш (аутсорсинг) хизмати хариди бўйича танлов ўтказди.

Икки иштирокчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги ҳақида бир хил маълумотномаларни тақдим этди. Аммо уларга турлича баллар берилди.

Мисол:



туман тиббиёт бўлими 380,0 млн сўмлик иссиқ, овқат етказиб бериш (аутсорсинг) хизмати хариди бўйича танлов ўтказди.

бир иштирокчи коррупцияга йўл қўймаслик ҳақида кафолат хати тақдим этмаган бўлса-да, унга максимал балл берилди.

ушбу иштирокчи бошқа иштирокчиларга нисбатан юқори нарх таклиф қилган бўлишига қарамай уни ғолиб қилиб тайинлаш учун шароит яратилди.

Текширув натижаларига кўра, харид баённомалари бекор қилинди ва харид комиссияси раҳбарлари ҳамда аъзолари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддаси 5-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди (Савдоларда рақобатни чеклашга оид талабларни бузиш).

Аффилланганлик

(Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас)

Давлат харидларида рақобатни чекловчи усуллардан фойдаланиб, ўзаро аффилланган тадбиркорлар ғолиб бўлиш ҳолатлари учрайди.

Мисол:



Бир ташкилот директори ўринбосари тендер комиссияси раиси сифатида уч нафар ходими билан тил бириктириб, 2021-2022 йилларда моддий имконияти чекланган шахслар учун товарлар хариди бўйича тендерлар ўтказди.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунлар бузилган ҳолда ушбу тендерларда тадбиркорлик субъекти директори ва у билан аффилланган тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Натижада, тендер ғолиби қилиб аффилланган корхона танланди, у билан шартнома тузилди ва товарлар 17,8 млрд сўмга асоссиз равишда қиммат нархларда харид қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суд ҳукми билан 4 нафар давлат хизматчиси ва тадбиркорлик субъекти раҳбари айбдор деб топилди.

Мисол:

Давлат буюртмачиларидан бири 3,5 млрд сўмлик тиббиёт муассасаси биноси қурилиши ва реконструкцияси бўйича тендер ўтказди.

Тендер ғолиби бўлган N фирмаси ва унга рақобатчи бўлган фирма отаси ва ўғлига тегишли экани аниқланди.

Мисол:

Z давлат акциядорлик жамияти 1,6 млрд сўмлик юк ташиш хизматлари бўйича энг яхши таклифни танлаш методи асосида танлов ўтказди.

Танловда иштирок этган икки тадбиркорлик субъекти битта шахсга тегишли бўлгани аниқланди.

Текширув натижаларига кўра, шартномалар бекор қилинди ва харид комиссияси аъзолари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

175-8-моддаси 4-қисмига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка тортилди (*Давлат харидлари жараёнида аффилиланганлик ҳақида қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермаслик*).

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙИШ МУМКИН ЭМАС.

Тадбиркорлар тендерларда иштирок этиш шартларини енгиллаштириш ёки шартномаларни ютиб олиш мақсадида давлат хизматчиларига пора таклиф қилиш ҳолатлари учрайди.

Мисол:

Давлат буюртмачиси мансабдор шахси K ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан 10 000 АҚШ доллари миқдорида пора олаётган вақтда ушланди.

У ушбу суммани талаб қилиш орқали, 5,5 млрд сўмлик капитал таъмирлаш ишлари тендеридида Н. юридик шахсини ғолиб деб эълон қилишни ваъда қилган.

Суд ҳукмига кўра, К. жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми асосида 5 йил 5 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

08

BO' LIM

Давлат харидларини назорат қилиш учун

Давлат харидлари устидан назоратни амалга
оширишда қуйидаги ахборот манбаларидан
фойдаланиш тавсия этилади:



- давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;

буюртмачининг ички ҳужжатлари:

- харидларни амалга ошириш бўйича комиссия (комиссиялар)ни ташкил этиш ва уларнинг ишини тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжат;
- харидларни режалаштириш, асослаш ва амалга ошириш тартиб-таомилларини тартибга солувчи ҳужжат;
- харидларнинг тасдиқланган режа-жадвали;
- товарлар, ишлар (хизматларнинг айрим турларига нисбатан тасдиқланган талаблар (шу жумладан товарлар, ишлар (хизматлар)нинг чекланган нархлари) ва (ёки) давлат органлари, давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини бошқариш органлари функцияларни таъминлаш учун норматив харажатларни белгиловчи ҳужжат;
- буюртмачи томонидан давлат харидлари соҳасида назоратни амалга оширишни тартибга солувчи ҳужжат;
- давлат харидлари соҳасида назоратни амалга ошириш мақсадларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар;
- давлат харидлари соҳасидаги ахборот тизимлари, шу жумладан буюртмачи томонидан тасдиқланган ва давлат харидлари соҳасидаги ахборот тизимларига жойлаштириладиган ҳужжатлар;
- буюртмачиларнинг расмий сайтлари ва уларда жойлаштириладиган, шу жумладан режалаштириладиган харидлар тўғрисидаги маълумотлар;
- тегишли назорат органлари, шу жумладан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳисоб палатаси ва бошқалар томонидан ўтказилган аввалги текширув натижалари;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан шартномаларни ижро этиш жараёнида аниқланган қонунбузилишлари тўғрисидаги маълумотлар;
- товарлар, ишлар (хизматлар) етказиб берувчи компанияларнинг интернет-сайтлари. Назорат тадбирини ўтказиш давомида бир вақтнинг ўзида назорат предмети ва объектига бевосита алоқадор бўлган бир нечта ахборот манбаларидан фойдаланилиши мумкин.

Бунда назорат объектида бўлиши керак бўлган қуйидаги минимал ҳужжатлар тўпламини ҳисобга олиш зарур:

■ Харидни амалга оширишга қадар босқичда:

- шартнома хизматини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат (низом) ёки алоҳида таркибий бўлинма ташкил этмаган холда шартнома хизмати функцияларини бажарувчи буюртмачи ходимларининг доимий таркибини тасдиқловчи ҳужжат;

- харидларни амалга ошириш бўйича комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг ишини тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжатлар;
- буюртмачи томонидан давлат харидлари соҳасида назоратни амалга оширишни тартибга солувчи ҳужжат;
